

---

## МЕҲНАТГА БАХШИДА УМР



### МЕҲНАТГА БАХШИДА УМР

Вилоятимизнинг энг сўлим ва бетакрор гўшаси – Сух тумани нафақат ўзининг мафтункор табиати, балки ўзининг меҳнаткаш, меҳмондўст халқи туфайли Республикамизда донг таратган ҳудудлардан. Салкам саксон мингга яқин ватандошларимиз умргузаронлик қилишади бу жаннатмакон заминда. Ўз тақдирини Ватан равнақиға боғлаган Сухликлар эртанги порлоқ келажакка ишонч билан меҳнат қилишаётир. Туманнинг Хокканак маҳалласида умргузаронлик қилаётган Баҳриддин Тожиддинов ана шундай инсонлардан биридир.

“Мен асли касбим ўқитувчи. 1982 йилда Самарқанд Давлат Олийгоҳини битириб, уша йили педагогик фаолиятимни Чумоқча маҳалласидаги 8-сон УЎТ таълим макатабида бошлаганман. 4 нафар фарзандим бор” – дейди сўхбатимиз аввалида Баҳриддин-ака.

Ўқитувчи бўлишдек эзгу ният Баҳриддин Тожиддиновни 1975 йили шаҳри азим – Самарқанд томон чорлади. Имтиҳонлардан муваффақият билан ўтган қаҳрамонимиз ушбу даргоҳнинг тожик тили ва адабиёти факултети талабаси бўлди. Мана, 40 йилдирки, бутун вужудини ушбу олийжаноб касбга бағишлаган. Турмуш ўртоғи “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” - Райҳоний-опа ҳам 28 йил туманнинг 7-сон УЎТ мактабида тожик тили ва адабиётдан дарс берган устозлардан. Дарвоқеъ, тақдир тақозоси билан Райҳоний-опа Жиззахнинг Фориш тумани Порашт қишлоғидан Сухга келин бўлиб тушган.



“Биз бахтли оила, бахтли ота-оналарданмиз. Чунки фарзандларимиз ҳам бизнинг йўлимиздан боришди. Катта фарзандимиз Сумбулжон тадбиркор бўлсада, Фирдавс бугун 7-сонли УЎТ таълим мактабида ўқитувчи, кенжа фарзандимиз Вафодор айни пайтда Самарқанд Давлат Олийгоҳининг тўртинчи босқич талабаси. Яқинда талабалар ўртасидаги танловда биринчи ўринни олган Вафодорнинг устозлари номидан бизга миннатдорчилик мактуби келди. Бу бизни беҳад қувонтирди” – дейди сўхбатимиз давомида Баҳриддин-ака.

Ҳа, фарзанд инсон ҳаётининг меваси. Фарзандларимиз муваффақияти, фарзандларимиз камолотини кўриш биз инсонлар учун ўлкан бахт, катта ифтихор бағишлайди.

Бадий ижодга бўлган меҳр сабаб Баҳриддин Тожиддинов мана 18 йилдирки, туманнинг “Садои Сух” газетасида мухбир бўлиб ишлаб келмоқда. Бир неча маротаба туман ва вилоят таълим бошқармаси, шунингдек, туман ҳокимлиги фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган Баҳриддин Тожиддинов вояга етказган фарзандлари, тарбия берган ўқувчилари, камолога етиб, уни “Устоз” дея ҳурмати бажо келтираётган шогирдларини энг катта мукофот деб билади ўзига. 11 нафар ширин невараларнинг бахтли бобоси - Баҳриддин-ака тинмасдан излайди, ижод билан банд. Дарвоқеъ, қаҳрамонимиз падари бузургвори - 85 га кирган нуроний отахон Раҳбариддин-ота ва 84 ёшни қаршилаган волидаи мўхтарамаси - Мирихон-момонинг дуои покларини олган инсонлардан. Айтишадику - “Олтин олма, дуо ол”.

**Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-02-06 15:23:21